Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
16 сон
19 — 25 апрел, 2007 йил

ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ

Бугун дунё спорт айвонида яна бир бор ЎЗБЕКИСТОНнинг байроғи ҳилпиради, юртимиз мадҳияси жаҳон бўйлаб янгради. Дунё яна бир бор ЎЗБЕКнинг кучи, қудрати, порлоқ келажагига гувоҳ бўлди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Ярим тун бўлишига қарамай, атрофимиздаги ёнма-ён жойлашган бир неча кўп қаватли уйларнинг юзлаб хонадонларида чироқлар ёниқ, ҳамма бедор. Барча кучли ҳаяжон билан Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлаётган оламшумул бокс - профессионал боксниг энг нуфузли - Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги баҳсни интиқлик билан кутмоқда. Юртимизнинг баҳодир ўғлони Руслан Чагаев билан мағлубият билмас россиялик чарм қўлқоп устаси Николай Валуев ўртасидаги 12 раундда иборат бўлган ушбу беллашув жуда кескин ва аёвсиз ўтди. 33 ёшли Николай Валуев 46 марта рингга чиқиб, барчасида ғолиб бўлган, шундан 30 таси накаут билан тамомланганлигини, 28 ёшли Руслан Чагаевдан вазн жиҳатдан 41 кг. оғирлигини, бўй жиҳатдан 28 см. баландлигини ҳисоблаганда, ҳамюртимизнинг бундай "қоя" билан бўладиган жангда ғолиб бўлишига хавотиримиз ҳам йўқ эмасди. Бироқ андижонлик ўғлон жаҳон спорт оламида "оқ танли Тайсон" деган лақабга бежиз сазовор бўлмаган экан.

Рингга чиқаётган боксчининг кўзларига қарасанг, унинг ғолиб бўлиши ёки мағлуб бўлишини билиб оласан, деган гап бор. Телекамералар Русланнинг чиқишини кўрсатишаётганда унинг кўзларида ишонч ва хотиржамликни кўриб, ғалабага бўлган ишончимиз янада ортди. Дарҳақиқат, юксак даражадаги ўйин техникаси ва тактикаси Русланнинг бу жангга ўта масъулият билан тайёрланганлигини исботлади. Спортчимиз ўзининг профессионал фаолиятидаги 24-жангини оламшумул ғалаба билан якунлади.

Юртимиз спорт шаънини ҳимоя қилиб, ўз зафаридан руҳланиб кетган Руслан Чагаев ўзоқ ўлкада, рингда туриб, телекамерага қарата: "Мен сизларни севаман—Ўзбекистон!"— деб ҳайқирганда кўз ёшларимизни тия олмадик.

- Мен ҳам боксчи бўламан!—дея қичқирди ширин уйусидан кечиб, беллашувни томоша қилаётган 6 ёшли ўғлим юртимиз байроғини боши узра кўтариб югураётган Русланни кўриб. Шунда англадимки, Руслан Чагаев яна бир эзгу ғалабага, қанчадан-қанча ёш ўғил-қизларнинг юрагида спортга, Ватанимизга бўлган чексиз меҳрини оширишдек шарафга эришди.

Юртбошимиз 2000 йилда бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси билан бўлган учрашувда эзгу ниятлар билан спортчиларимизга оқ фотиҳа бераркан: "Мен бу ўғлонларимга нафақат қанот бўламан, балки уларга куч-қувват бўлишга ҳам тайёрман", деган эдилар. Эҳтимол мана шу мадад ва ишонч Русланнинг ғалабасини таъмин этгандир. Президентимизнинг Руслан Чагаевга йўллаган табриги ҳам бутун ўзбек халқи қалбида жўш ураётган ҳис-туйғуларнинг ифодаси бўлди:

"Қадрли Руслан ўғлим! ...Сенинг ҳалол ва муросасиз курашлар остида ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатингни яна бир бор намоён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасига янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради. Мана шундай мард ва баҳодир йигитни - Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорчилик билдирамиз".

17 апрел куни яна бир қувончли хабар эшитдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р.Ш. Чагаевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида Фармони эълон қилинди.

Зафарингга, куч-ғайратингга, шону шавкатингга кўз тегмасин Ватанимнинг асл ЎҒЛОНИ!

Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА

ЮТУҚЛАР ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

17 апрел куни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган "Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш" мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёни, ютуқ ва муаммолар ҳамда ОАВ фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди. Конференцияда "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналиши ва уларни амалга оширишда ОАВ олдида турган вазифалар", "Жамиятни маънавий юксалтириш - ижтимоий сиёсатнинг муҳим омили», "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни", "Ахборот жараёнларининг глобаллашувида миллий манфаатларни таъминлаш" каби мавзуларда мунозаралар бўлиб ўтди.

Кун тартибидан ўрин олган масалалар долзарб ва муҳим эканлигини ҳисобга олиб, унга мамлакатнинг барча ҳудудларини кенг қамраб олиш мақсадида илк бор анжуман видеоконференция шаклида ўтказилди. Телекоммуникация тармоғи воситасида ҳудудий ОАВ вакилларидан ташкил топган аудитория конференция ишини кузатибгина қолмай, балки унда бевосита иштирок этди.

Конференция доирасида Жамоат фонди грант олувчилари ва ҳамкорлари учун семинар-тренинглар ўтказилди, янги ташкил этилган "Region Inform" ахборот хизмати тақдимоти, Фонднинг 2007 йил грантларига сазовор бўлган таҳририятларга сертификатлар топширилиши маросими бўлиб ўтди, шунингдек Фонд томонидан босма ва интернет нашрларда фаолият олиб бораётган журналист хотин- қизлар ўртасида ўтказилган "Матбуотимиз маликаси" танлови ғолиби эълон қилинди ва тақдирланди.

Конференцияда Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, марказий ва ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари, халқаро ташкилотлар намояндалари, маҳаллий ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий журналистлар қатнашди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕГИМ ҚУЧДИ ЗАФАР

(фахрия қўшиқ)
Руслан ЧАГАЕВга бағишланади

Юртга қувонч улашди,
Бир паҳлавон дейдилар!
Бу паҳлавон номини
Руслан полвон, дейдилар.

Ўзбегим қучди зафар,
Тонгда келди хушхабар.
Мард ўғлон жасоратин,
Кўрди жаҳон, дейдилар!

Ўзин баланд тутганлар,
Ғалабасин кутганлар.
Ер чизиб қолди рингда,
Бўлиб ҳайрон, дейдилар.

Русланнинг пўлат мушти,
Рақибга оғир тушди.
Унинг рингга қайтиши,
Энди гумон, дейдилар.

Қулочин ёзди қувонч,
Бор эди бунга ишонч.
Халқимизнинг тилаги,
Қутлуғ фармон, дейдилар.

Юртимда янги юлдуз,
Порлагай кеча-кундуз.
Мард-майдонлар ватани—
Ўзбекистон, дейдилар!

Ифтихору фахр билан,
Бошлади бугун Тўлан,
Янги юлдуз шаънига,
Янги достон, дейдилар!

Тўлан ТАБАССУМ

"ДУОЛАР ҚЎЛЛАСИН СЕНИ..."

Телеэкран орқали хонадонимиз аъзолари билан ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг жангини томоша қилиб ўтирар эканман, бир она сифатида кўнглимда фахр уйғонди. Мен каби бир оддий аёлнинг минг бир орзу-ҳаваслар билан дунёга келтирган, камолини кўриш учун дуолар қилган, комил инсон бўлиши учун ҳалол меҳнат қилган бир мунис аёлнинг бахти қанчалар тўлиқ экан. Руслан ғолиб бўлишини оиламиз эркаклари лотореясига ютуқ чиққан одамдай қийқириқлар билан бир-бирларини қучоқлаб қувонишар экан, беихтиёр кўзларимдан қувонч ёшлари оқди. Қалбимда ғурур уйғонди.

Бундан бир неча йил олдин ҳаваскорлар ўртасида бокс бўйича мусобақаларда ғолиб бўлиб давлатимиз раҳбарининг олқишини олган Руслан ўшанда: "Мени ота сифатида дуо қилинг", - дея сўраган, унга жавобан эса залда ўтирганлар билан бирга президентимиз Ислом Каримов уни дуо қилган ва навбатдаги ғалабаларга омад тилаган эдилар. Мана, дуолар ижобати улуғ. Ўша самимий тилаклар рўёбга чиқди. Бизнинг Руслан юртбошидан олган дуосини оқлади. Эл ишончини қозонди.

Ана шуларни кўнглимдан ўтказар эканман, нафақат мен, балки бутун бир Ўзбекистон аёллари номидан Руслан сени онанг ўрнида дуо қиламиз. Илоҳим дуолар сени қўлласин. Сени мана шу Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилувчи курашингни бутун ўзбек оналари ҳам сабрсизлик билан кутди. Руслан, азиз ўғлоним, сен Ўзбекистон номини дунё саҳнига олиб чиқар экансан, ўз ортингдан юрагида ватан деб ёнганларни, эртанги кун учун фидойи бўлганларни эргаштир.

Бу ютуқларинг сени янада қувончли зафарларга элтиб борсин!

Ҳанифа ЗОКИРОВА

ОҚИБ ТУРГАН ДАРЁИМСИЗ

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Файзинисо исмли исми жисмига мос аммам бор. Уларнинг сухбатини олган киши, яна бир гаплашсам дейди. Сўзга чечан, зукко, ҳозиржавоб, сермулоҳаза бу онахоннинг доно панд-ўгитлари, маталу нақллари кишини беихтиёр мафтун қилиб қўяди. Айниқса, бир хислатлари ўзларига жуда ярашади - ҳар бир гапларига мақол қўшиб гапирадилар.

Бир куни дадамни кўриш учун уйимизга бордим. Дарвозадан киришим билан, ҳовли ўртасида офтоба кўтарган аммамга кўзим тушди. Хурсанд бўлиб кетдим.

- **Ҳа, "аммаям бир, ҳаммаям бир"** бўлиб қолдими дейман? Бир бориб кўрай демайсан?- дея бағриларига босиб кўришдилар.

Уйга кира-кира, келиним иккимизга қараб:

- **"Одоблилик белгиси эгилиб салом бергани, яқинлилик белгиси келиб-кетиб тургани"**-да, болажоним, - дедилар.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, гаплашиб ўтирдик. Шу пайт укам келиб қолди. У билан ҳам сўрашиб бўлиб, дедилар:

- **"Келуви келса, келин гапирар"**, деганларидек, гапимни кўнглингга олмай эшит. Кўрдим, иморат бошлаб қўйибсан, тез-тез ҳаракатингни қил.

- Ҳа, пулим борида бирпасда битади деб юрувдим. Ўзингиз биласиз, ишимни ўзгартирганимдан бери қўлим тегмаяпти, даромад ҳам... Бунинг устига, бир-икита ўртоқларимга бир оз қарз берувдим, ҳеч думини тутқазмаяпти, номардлар...

- **"Давлат кетса дўст қочар"**да, ўғлим. Ҳаётнинг шунақа паст-баландлари бўлади. Жонинг омон бўлсин.

- Худога шукур, ака-укаларим ҳам ёрдам беришяпти, битиб қолар.

- **"Тоғдек ошнанг бўлгунча, қилдек томиринг бўлсин"**. Аммо **"бир қилган мадад, икки қилган одат"**, деб ака-укаларнинг ёрдамига ўрганиб қолмасдан, **"Ўрни келса ўроқ ўр, кези келса кетмон чоп"**, ўз кучингдан қолма, болам", - дея куйиниб гапирдилар аммам.

Тушга яқин бир қариндошимизникига фотиҳа тўйига боришга чоғландик.

- Хотининг ҳам биз билан бирга борса майлими? – деб сўрадилар аммам укамдан, - ёки **"Зар пинҳон, зан пинҳон"ми?"**

- Э, аммажон, сиз билан бирга юрса қани эди, панд-насиҳатларингиздан кейин зора яхши бўлиб қолса,-дея хохолаб кулди укам.

- Ҳой бола, **"Пайғамбарнинг қиличи, менга тегар бир учи"**. Хотининг менинг жияним-а. Топиб олгансан-да **"Ювош туя юлишга яхши"** деб.

- Йўқ-е, аммажон. Кўнглингизга олманг, шундай ширин болаларимнинг онаси-ю, уни ёмон деб бўладими?" - кўпол хатосини тузатган бўлди укам.

- "Ишқилиб, **"Эна аҳмоқ, бола чақмоқ"**қа чиқариб қўйма уни. **"Юмсам муштимда, очсам кафтимда"**ларга ўхшасанг, мендан кўрасан-а.

Аммамнинг беғараз дўқ-пўписаларига кула-кула кўчага чиқдик.

Маросим бўлаётган хонадонга кириб бордик. Сал эртароқ бориб қолган эканмиз, бизни қарши олган мезбонлар билан кўриша аммам яна гап топдилар: **"Тўйга борсанг бурун бор, бурун борсанг ўрин бор"**, деб барвақтроқ келавердик.

- Эрта келганингиз яхши-да, аммажон, сиз келсангиз уйларимиз хурсандчиликка тўлиб кетади, - деди Махсума келинойим.

- Ҳа, айтганча, Махсума, сендан доим бир нарсани сўрайман деб юраман. Ўрни келди. Нега сен мени "амма" дейсану менинг синглимни "хола" дейсан? Ахир синглим билан **"Қопимиз ҳам, сопимиз ҳам бир"**ку?"

- Вой, аммажон-е, - кулиб жавоб берди келинойим, - холамни болалигимдан бери биламан. Ўша пайтда сизларга келин бўлишимни билганимда "аммажон" деб айтардим синглингизни ҳам.

Аммам дастлаб қизини турмушга бераётган Мамлакат опамни табриклаб қўйдилар:

- **"Пойгакда топилса, тўрга чиқма"**, деганлар. Қизингни яхши жойга бераяпсан. Энди бу ёғига бахтли яшаб, увалижували бўлиб кетсин, илоҳим.

- Ҳали ёш, ўқисин девдим...".

- Э, болам-а, қўлида гулдек ҳунари бор-ку!? **"Билмагандан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши"**. Энди бу ёғига ўғилларингни ўқитасан. **"Қизинг еб қирга кетар, ўғлинг еб ўрга кетар"**, деган қадимгилар.

- Ҳали ҳеч нарсамиз ҳам тайёр эмас эди, шошилиб қолмасак эди...

- **"Тўй қистови билан тўн битар"**, ҳаммаси кўнглингдагидан ҳам зиёда бўлади, мана кўрасан. Сен латта-путта, камчиликни ўйлама. Шу нарсаларнинг орқасидан **"Қудо бўлдинг, жудо бўлдинг"** бўлаётганлар қанча.

- Ҳеч бўлмаса ёзга чиқиб қилишса бўларди, - дея гапга қўшилди Мамлакат опамнинг синглиси Махфират.

- Сен **"Ол кишлама, олқишла"**, болам. Хайрли ишни кечиктириб бўлмайди.

Шу пайт бояги қўшни аёлларнинг бири:

- Файзинисо она, сизни анча йиллар олдин кўрган эдим. Ҳечам ўзгармабсиз-а, неча ёшга кирдингиз? - деди аммамнинг бирбиридан сермазмун, ўз жойида ишлатаётган ибораларига, гап беришларига ҳавас қилиб.

- Шафоатхон, **"Олтмишгача ошир, етмишдан сўнг яшир"**, деганлар, - деб жавоб берган эдилар, даврада гурра кулгу кўтарилди.

- Гапларингиз баъмани, теша тегмаган мақолларингизни эшитиб маза қиламан-да.

- Э, топиб гапирганим ҳам бор бўлсин, қайси бир куни бир қўшнимникига кириб, гурунглашиб ўтирдик. Олдимга дастурхон, нон-чой қўйди. Ўзи эккан барра кўк пиёзни узиб, ликопчага солиб, олиб келди, "олинг-олинг, пиёздан олинг ёки пиёз емайсизми?", деди. "Нега емас эканман, калтакни ейдилару пиёзни емайдиларми?"-дедиму балога қолдим. "Вой, сиз эрим мени уришини юзимга солдингиз, сизга бирор марта нолиганмидим", деб жавраб кетса бўладими. Зўрга тушунтириб, келишиб олдим-а. Ишқилиб, **"Отган қолмас балога, айтган қолар балога"** экан-да.

Бегубор, соддадил қишлоқ аёллари билан ўтказган чиройли тадбиримиз ниҳоялаб қолди. Ҳамманинг кайфияти аъло, икки ёшга бахт-саодат тилаб, туришга тайёрландик.

Кўчага чиқиб, хайрлаша бошладик. Шу пайт аммамга каттароқ тугунча беришди.

- Овора бўлибсизлар-да, ҳа, майли, **"Дают бери, бьют беги"**, дейди ўрислар...

"Хазинага ўхшайсиз, - дейман хаёлан, ўзи билган-билмаган ҳолда, кўпчиликка одоб-ахлоқдан дарс бераётган, юзларидан нур ёғилиб турган аммажонимга қараб, - бу бойлик билан энг давлатманд аёл эканлигингизга шубҳам йўқ".

Дарвоқе, Файзинисо аммаммнинг яна катта бойликлари – фарзандлари. Раҳматли турмуш ўртоқлари Дўстбек бобо Сулаймонбеков билан 50 йилдан ортиқ аҳил турмуш қуриб, Муродбек, Дилбар, Улуғбек, Гавҳар, Раҳбар, Гулнора, Шавкат, Ойбек, Шербек исмли фарзандларни тарбиялаб, камолга етказдилар. Оқила келинлар, фарзандларидек бўлиб қолган куёвлар, ширин-дан-шакар набираю эваралар қуршовида ҳаёт гаштини суриб келмоқдалар. **"Ақлли қария – оқиб турган дарё"**, дейди доно халқимиз. Бу ибора Гулистон шаҳрида кексалик гаштини сураётган Файзинисо она Сулаймонбековага жуда мос тушади. Ҳар бир сўзи эзгуликдан, меҳру оқибатдан дарак берадиган аммажоним, сиз бизнинг оқиб турган дарёимизсиз. Бу дарёдан ҳали кўп йиллар бахраманд бўлиш бахти ҳаммамизга насиб этсин.

ХУЛКАР

ЕТАКЧИ АЁЛЛАР СЕМИНАРИ

Ахборот

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" вакилларидан иборат сиёсий клуб аъзолари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш имкониятлари" ва "Аёл ва сиёсат: хотин-қизларда етакчилик сифатларини шакллантириш" мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

Семинарни Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова кириш сўзи билан очар экан, хотин-қизларни сиёсий жараёнга, жамият тараққиётида етакчилик қилишга чорлашда жойларда сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакилларининг хизмати муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Семинарда доцент Муқимжон Қирғизбоев ва олима Нигора Умаровалар маъруза қилдилар.

Семинар савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар асосида жуда самарали ўтди.

Матлуба

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Куни кеча Тошкент шаҳар чақирув пунктида Мирзо Улуғбек туманидаги чақирув ёшига етган йигитларимизни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирга йигитларнинг ота-оналари, қариндошлари, ёру биродарлари йиғилишди. Сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан Миллий армиямизга қаратилаётган эътибор, аскар йигитларимизга яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб, йигитларга яхши тилаклар билдирдилар.

* * *

Ўзбек Миллий Академик драма театрида Эдуардо де Филиппонинг "Неаполмиллионерлар шаҳри" спектакли режиссёр Александр Гамиров талқинида "Тун албатта ўтади", номи билан саҳналаштирилди. Италиянинг элчиси жаноб Анжела Персианни қуллаб-қувватлади.

Миллий Академик драма театри саҳнасида намойиш этилган спектаклда томошабинлар мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган бир оила тарихи билан танишдилар. Янги спектакл асосий ролларини театрнинг таниқли актёрлари Зуҳра Ашурова, Фатхулла Маъсудов, Дилбар Иқромова, Қаҳрамон Абдураҳимов ҳамда бир гуруҳ ёш актёрлар ижро этдилар. Спектакл Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Малоҳат РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Ёш журналистлар" клуби аъзоси.

* * *

"Олтин мерос" халқаро ҳайрия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти билан ҳамкорликда "Назокат гулшани" даврa суҳбатини ўтказди. Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг "Назокат" шеърий тўплами тақдимоти ўтказилди.

"Мерос-ньюс" ахборот хизмати

* * *

Қамаши туманидаги Калтатой қишлоғидан Ланган дарёси оқиб ўтади. Ёғингарчилик кўп бўлган пайтларда, айниқса, баҳор фаслида суви кўпайиб кетиш натижасида одамлар дарёдан ўтишга қийналиб қолишарди.

Яқинда савоб ва хайрли ишга қўл уриб, қишлоқдошларининг мушкулини осон қиладиган Қарши ака Назаровнинг саъй-ҳаракати билан дарё устига эни 1 метрли, узунлиги 80 метрли кўприк қурилди.

Қурбоной АРЗИЕВА,
Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Чангак маҳалласи.

* * *

Сирдарё вилоятининг Амфитеатрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси масъуллигида вилоятнинг фаол ва фахрий аёллари, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари ва талаба ёшлар учун "Оқибатли бўлайлик" деб номланган маданий-маърифий хайрия концерти бўлиб ўтди. Томошага йиғилганлар эл севган хонандалар куй-қўшиқларидан, шоирлар ижодидан баҳраманд бўлиб, маданий ҳордиқ чиқардилар.

Аброр МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Ёш журналистлар" клуби аъзоси.



ҚИЗ БОЛА ГУЛЛОЛА

Битта қизнинг тарбиясига етти маҳалла жавоб беради, деган нақл бор халқимизда. Ана шу иборанинг маъносидан кўриниб турибдики, қиз болага нисбатан тарбия, тартиб, муомалани ёшлигидан ўргатиш талаб қилинади. Айрим оилаларда қиз болага нисбатан керагидан ортиқ эркинлик бериб юборилмаяптимикан? "Ўйимнинг меҳмони", "бировнинг хасми", деб керагидан ортиқ эркалатиш ҳам қизгинанинг ўзига зиён. 19-20 йил биздан фақат яхши гап эшитиб ўсган, рўзғор ишларига аралашмаган қизларимиз қанча?.. Улар эртага бировнинг ҳовлисига бориб, қийналиб қолмасмикан? Уйида қизи бўла туриб, рўзғор ишларига овқат, ош-нонигача ўзи бажарадиган оналаримиз қанча... Бир нима десангиз: "Вой, қўяверинг, эртага келин бўлиб кетса қилаверади. Ҳозир айни ўйнаб-куладиган даври", деб жавоб беришади.

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

Бир вақтлар ёш келинчакнинг ўксиниб гапиргани ҳамон эсимда...

"Мен уйда эрка ва шўх қиз бўлиб ўсганман. Отам ҳам, онам ҳам керагидан ортиқ кўнглимга қарашарди. Нима десам, шуни олиб беришди. Уйимда нон ёпиш у ёқда турсин, мустақил овқат ҳам қилмаганман. Онам ҳам, "уни қил, ё буни ўрган", деб мажбурламасди. Ўйин-кулгуларга ошно бўлиб юраверибман. 20 ёшимда турмушга чиқдим. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Бир куни турмуш ўртоғим: "Манти қил", деб қолди. Умримда манти қилмаганман. Ноилож хамир қориб, манти қилдим. Мантини оғзига солган хўжайиним: "Бу нима? Мунча хамири қалин? Овқат қилишни билмайсанми? Шуям манти бўлдими?" - деб чой, нон еди. Биласизми, илк марта ўксиб йиғлагандим. Илк марта жонимдан ҳам ортиқ кўрувчи онажонимдан қаттиқ хафа бўлдим. "Кўнглимга қарамай уришиб, кези келганда тергаб овқат, нон қилдирса бўларди-ку!"-деб ўксиндим. Ҳаммаси олдинда экан. Тикиш, санчишга ҳам уқувсиз бўлиб чиқдим. Бир куни уйимизга меҳмон келди. Ош қилдим. Ош эмас, шавла бўлиб чиқди. Турмуш ўртоғимнинг: "Нима, ҳеч нарса ўргатмаганми, онанг? Уйингда нимани ўргангансан?" - деган гапи дилимга оғир ботди. Мана, 2 фарзанднинг онасиман. Рўзғор ишларини секин-секинлик билан ўрганиб келаяпман. Ҳозир нон ҳам ёпаман, хамир овқатни тайёрлайман, ошми - барини пишираман. Биласизми, пиширақлар пиширишни ҳам ўрганиб олдим, ҳаммасини қайнонам ўргатди. Ҳалигача афсус қиламан. Қиз бола рўзғор ишларини уйида ўрганиб турмушга узатилса, юзи ҳам ёруғ бўлар экан. Ёшлигимда энам урчуқ йигираётиб, бир қўшиқ айтарди:

Ўз отамнинг эшиги, тилло эшик,
Кирсам-чиқсам, сочимни сийпар эшик.
Қайнотамнинг эшиги, жанжал эшик,
Кирсам-чиқсам сочимни юлар эшик.

Ўшанда бу сўзларнинг мағзини чақмаган эканман. Ҳозир ош-нон қилолмаганимда эшитган танбеҳларим ҳудди ўша жанжал эшикка ўхшар экан. Ҳозир қизларим секин-аста бўй чўзиб келишаяпти. Ўзим онам қилган хатоларни уларда такрорламасликка ҳаракат қилиб келаяпман", - деган эди.

Мен унинг бироз андиша билан, аммо аччиқланиб айтган гапларини бот-бот эслайман. "Қиз бола - гуллола". У гулдек нозик, латофатли бўлиши билан бир қаторда, рўзғор ишларини ипидан игнасигача ўрганса, биз оналар ўзимизнинг шаънимизга ҳам таҳсинга лойиқ сўзларни олган бўлардик. **Тарбияни, тартибни, тозаликни, пазандаликни, тикишни, муомалани ёшлигидан ўрганган қизнинг оиласи тинч ва мустаҳкам бўлади.**

Дилфуза ҲОТАМОВА,
Тошкент вилояти, Бўка тумани.

ОТАЛАР КИТОБИ

Тарбия соати

(Боши ўтган сонларда)

Университетга кириш, ўқиш ҳам меҳнат. Яхшилаб ўрган. Боланг университетга диплом олиш учун кирмоқчими, ё билим олиб, кучли мутахассис бўлиш учунми?

Ҳамма олим бўлиши шарт эмас. Қўли гул фермер, уста, тадбиркор, шофёр, чўпон, слесарь, новвой, тикувчилар ҳам бирдай азиз, зарур. Ўз касбининг устаси бўлган, ўзи ва миллат равнақини ўйлаб, ҳалол, фидокорларча меҳнат қилган ҳар бир киши азизу мукаррамлигини уқтир ўғлингга, неварамга.

Шу пайтгача у учун масъулият сенда эди. Энди ўзининг хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ўзига ўтказиб, тушунтириб бор.

ЖАСОРАТ, МАРДЛИК

Ҳамма халқлар, жумладан, ўзбеклар ҳам ўзларининг жасур, баҳодир, мард аждодлари билан фахрланиб келган. Эртак, достонларнинг бош қаҳрамонлари ана шундай кишилар бўлишган. Қўрқоқ, муте одамлардан доим нафратланишган. Чунки бундайларга ишониш — сувга суяниш. Қўрқоқлик, мутелик кўпинча сотқинликка олиб келган. Жасур, мардлари кўп миллатлар енгилмаган.

Одам жасур, мард бўлиб туғилмайди. Ўз-ўзидан жасур, мард бўлиб ҳам қолмайди. Ҳаммаси болаликдан бошланади. Болаликда ҳал бўлади.

Биринчи шарт — болангни қўрқитма. Келинга тайинла: "Жим бўл, бўжи келаяпти", "милиционер келаяпти", "бобой келаяпти, сени халтасига солиб, олиб кетади", деган гапларни айтмасин. Тўғри, ўша соатда бола қўрқиб, тинчийди. Ухлайди. Келиннинг жони ором топади. Лекин бу ором бола қалбига қўрқув туйғусини олиб киради.

Эшик тақилласа, кўрпа тагига кириб кетади. Тўғри, катта бўлганида бу гапларга у кулади. Лекин болаликда пайдо бўлган қўрқув асорати барибир из қолдирган бўлади. Мавҳум вазиятларда қўрқув ўша издан тез кириб келади. Болани ёқимли ишни эмас, керакли ишни қилишга ўргат. Ўғлингга жазо олишни билиб турса ҳам ёлғон гапирмай, ростини айтиб, кечирим сўрашни; синглисини хафа қилаётган болани тўхтатишни; уни йўлдан оздирмоқчи бўлган даъватчини тилидан тортиб фош этишни; наркотик сотиб, ватандошларини хонавайрон қилишдан бойлик орттираётган одам ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига хабар беришни ўргат.

ЛОҚАЙД БЎЛМА

Ўғлим! Атрофга қарасанг, айрим одамларда мустақил фикр, масъулият сустлигини кўрасан. Улар нега шундай? Биласанми, улар ўзларининг бу аҳволларини қандай оқлайдилар? Менинг бу хулосаларимни ўйлаб кўр. Қабул қилсанг, ўзингни тузат, дўстингга ҳам маслаҳат бер. Айт.

Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, сендан миллат, давлат, Конституцион тузум ҳимоясида қатъий фикрингни айтишинг, уни ҳимоя қилишинг талаб этилади. Лекин сен индамайсан. Пушаймон бўлиб юрасан кейин. Бу ожизликдан ўзингни оқлашга уринасан.

Биз улкан оила - Ўзбекистонда яшаяпмиз. Ўзбекистон бизнинг давлатимиз, обрўйимиз, номус-оримиз, уйимиз - Ватанимиз. Баъзан кишилар, гуруҳлар ўз манфаатини ўз оиласи - Ўзбекистон халқига, ўз уйи - Ўзбекистонига қарши қўяди. Хиёнат қилади.

Сен шундайларга - эскича, шўроча фикрлайдиганларга, хизбчи, ваҳҳобий, акромийларга қарши қачон, қаерда, нима қила олдинг? Бармоқларингни оч. Сана. Биров учун эмас, якка қолганингда ўйла, сана. Бир қўлинг юмилдими? Йўқми?!

"Мен кичик одамман. Кўп қатори турдим. Мен ҳам ичимда ёмон кўрдим",- дедингми?

Бу ҳам яхши. Лекин пайғамбаримиз ёмонликка қўл билан, сўз билан, ҳеч бўлмаса ёмон кўриш билан қарши туринг. Лекин охиргиси иймоннинг сустлигини кўрсатади, деган. Ўғлим бўлсанг, Ватан хоинларига нафратингни дилда тасдиқлаб, тилда айтиб, одамларга тарғиб қил.

Ўз уйингга сўрамай кирган одамни тилкалаб ташлайсан. Ватанингга сўрамай кирган, беайб ватандошларингни отган оқпадарларга лоқайдлик бизнинг авлодга уят бўлади.

АРПА ЭКИБ, БУҒДОЙ КУТМА!

Отанинг бурчлари - яхши ном берган боласини боқиш, тарбиялаш, бахтли бўлишга ўргатиш, уйлантириш. Биринчи вазифани ҳамма бажараяпти. Боқиш учун пул, маблағ керак. Топаяпсан. Тарбияга ҳафсала, вақт, билим, малака, маҳорат топаяпсанми? Боқиш - болангга озиқ, тарбия - ҳар икковингга бахт, иззат беради.

Ўзбеклар "Омин" деб қўл кўтараётганда қиладиган дуога эътибор қил. Таҳлил қил. Унда уй, тўй, зиёфат эгасига "кетмас бахт, давлат, оқибатли, солиҳ ўғил-қизнинг роҳатини кўриш ва ҳ.к."га муяссар қилишни Аллоҳдан сўрайдилар. Ўзбекларнинг дуо марказида фарзанд туради. Чунки ўзбек - болажон эл.

Лекин болажонликнинг "ичига" қарасак, кўп хатоларимиз кўринади. Шундай одамларни кўрдим: улар ҳозир моли қаерда ўтлаётганини шу заҳоти айтиб беради. Лекин солиҳ фарзанд бўлишини кутаётган боласи ҳозир қаерда, ким билан юрибди, нималарни ўйлаяпти, десанг, билмайди. Моли бўшалиб кетганлиги учун боласини уради. Унинг боласи "бўшалиб" кетиб, отасининг душманларига қўшилса, кимни уриш керак?

Мол боқишнинг фойдасини бир йилдан сўнг, бир марта олади. Бола тарбияси фойдасини 10 йилдан сўнг, бир умр, ҳар куни олади-ку!

Бу ҳақда гап кетса: "Тарбия билан шуғулланишга, кўриб турибсиз, вақт йўқ. Бозор иқтисодиёти. Кўп ишлаш керак. Мактаб, институт, маҳалла бор-ку",- дейди. Айбни боласига, бозор иқтисодиётига, мактаб, маҳаллага тўнкайди. Лекин бермаган тарбиясидан, экмаган ниҳолларидан мева кутади.

Вақт бор. Лекин уни тарбияга ажратмайдилар. Ота энг қимматли сармояси - бўш вақтининг энг кўп қисмини нимага ажратиши керак? Ота учун энг азиз нарсага. Энг азиз нарса нима? Фарзанд!

Демак, фарзандни боқиш, кийинтириш, тарбиялашга. Фарзанди ҳақида ўйлашга, унинг кечаги гаплари, қилиқларини таҳлил қилишга; педагог-психологлар, мўйсафидлардан, педагогик китоблардан ўрганиб, ҳар куни боласи билан очиқ чеҳра билан гаплашишга вақт ажратиши керак. Қайси гапни тўғридан-тўғри ўғлига айтишни, қайсиларини шама, ишора қилиб билдиришни ўйлаб, амал қилиш керак.

Қўлингга қоғоз, қалам ол. Бир кунлик ҳаётингни соатма-соат бўлиб чиқ. Кеча шу соатларда қаерда, нима қилдинг? Бугун-чи? Эртага нима қилмоқчисан? Энди ана шу 3 кунда боланг билан гаплашиш, бирга юриш, иш қилиш учун қанча вақт ажратибсан? Қўш. Зга бўл. Мана, сен фарзандингни солиҳ, оқибатли, яхши фарзанд бўлиши учун берган бир кунлик сармоянг.

Эртага боланг ҳам сенга шунча вақт ажратади. Устига-устак боланг қақшатса, айтмапсиз дема? Мендан ўпкалаб юрма.

ОДАМЛАРГА ҚАРА

XXI аср шиддатли келди. Шартлари ҳам шиддатли: тиниқ фикр, аниқ мақсад, аниқ вазифа, аниқ иш, аниқ натижани талаб қилаяпти. Ким бу шартларни бажармаса - уни ҳеч ким уришмайди. У бошқалардан орқада қолади, холос. Ким амал қилса, олдинга ўтиб бораяпти.

Атрофингга қара. Кечагина ҳамма қатори одми юрган, техникумни битирган Абдумурод - бугун қудратли фермер. Юзи - қизил, кийими - пўрим. Нексияси - Донс, трактори - 3 та.

Маҳаллага "Маънавият маркази" қуриб берди. Қишлоқнинг 2та муҳтож оиласига ҳомийлик қилаяпти. Наврўз байрами куни Тошкентда ўқиётган 3 та ҳамқишлоқ талабага контракт пулини тўлайман, деди. Бу авжга Абдумурод қандай чиқди? У бунга иродаси, ҳафсаласи, тиришқоқлиги, бошлаган ишини охирига етказмай қўймаслиги эвазига эришди.

Унинг синфдоши, олий маълумотли Қаҳҳор-чи? 10 йил олдин қандай тажанг бўлса, шундай турибди. Нолийди. Тўйларда ичиб, ётиб қолади. Қаттиқ касал деб эшитдим яқинда. Худо шифосини берсин. У бу кўйга иродасизлиги учун тушди. Иккаласини қиёслаб, бир жадвал туздим. Қараб-қараб кўй, эртага ббланг билан бирга кўр. Сабаблари - бундан 20 йил олдинги тарбияга бориб тақалаверади. Отаси, раҳматли Аъолобек боласини қаттиқ суяр эди.

(Давоми бор)

Муҳаммаджон КУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ЎЗ—ЎЗИМНИ ҚАРҒАЙМАНУ...

- Хоразмданман, ҳозиргина болаларим ўқийдиган мактабга бориб, йиғлаб қайтдим. Ўзимни-ўзим қарғайману энди кеч-да.

- Нимага ундай деяпсиз, улар сиз билан яшамайдими?

- Йўқ, уларни ҳали ақлини танимаган пайтда ташлаб кетгандим.

Турмуш ўртоғим билан пахта теримига борганимизда танишиб қолгандик. Аввалига ҳазил-ҳазил билан бошланган шунчаки ҳавас бизни ишқий "саргузашт"лар сари етаклади. Шундай учрашувларнинг бирида ўзимни унга топшириб қўйдим. Кейин менга уйланишини талаб қилдим. У онаси икки дунёда ҳам мени олиб бермаслигини, ниҳоятда қаттиққўл аёл эканлигини айтди. Мен ҳам бўш келмаслигимни, акс ҳолда судга беришимни айтдим. Шу гаплардан кейин биз бир ҳафта, ўн кунда бир учрашиб турардик. Мактабни тугатганимиздан кейин мен унинг совчисини кута бошладим. Аммо ҳадеганда келавермади. Кейин бир куни дугонам орқали чақиртирдим-да, "агар эртага совчингни жўнатмасанг, онам уйларингга жанжал қилиб боради", дедим. Бу пўписамдан чўчиб кетган йигит бор гапни онасига айтибди. Шундан кейин орада қанча жанжаллар бўлиб ўтди ва биз "енгиб" чиқдик. Хуллас, музлаган ощдек тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Мен катта ўғилга теккандим, иккита опаси, икки ука ва бир синглиси бор эди. Улар мени умуман ёқтирмас, қайнонамнинг қаҳрли нигоҳларига бардош бериш азоб эди. Бир кунда неча бор уйда жанжал бўларди.

- Эрингиз бу ҳолатга қандай қарарди?

- Олдинига аралашмасди, кейин бир оз менинг ёнимни оладиган бўлди. Тез орада ўғиллик бўлдик. Аммо неварасини кўриб ҳам қайнонамнинг юраги эримади. Мен ҳам энди бўш келмайдиган бўлдим. Қайси бири билан уришсам, оғзимга келганини қайтармасдим. Бир куни жаҳл билан болани ҳам ташлаб ота уйимга кетиб қолдим. Эмизикли бола билан бир қийналишсин, қадримга етади, дедим. Аммо ортимдан ҳеч ким келмади. Онам қайтариб олиб келиб қўйди. Билсам қайнонам чақалоқни эчки сути билан боқибди. Бу кетишим кейин тез-тез такрорланадиган бўлди. Яна ҳомиладор бўлдим, қиз туғилди. Энди менинг миямда фақат бир фикр айланарди: "Иккита бола билан ҳеч ким мени ажраштиролмайди". Шу ҳолатда кунлар ўтаверди. Уриш-жанжаллар кўпайса кўпайдики камаймади. Ахири эримни ҳали уйга бошқа келин келмасдан бўлак чиқишга кўндирдим. Қайнонамнинг кенг ҳовлисидан шаҳарга кўчиб кетдик. У ерда ижарада туриб эрим ҳам, мен ҳам ишлай бошладик. Болаларимга кўшни қиз қараб турарди. Бир куни ишдан келсам қизчамни оёғига қайноқ сув тўкилиб кетибди. Оёғида жуда хунук чандик қолди. Шундан кейин эрим ишлатмай қўйди. Уйда ўтириб зерикканимдан бозорда у-бу сотадиган бўлдим. Анчагина таниш орттирдим. Бир-биримизга пул ҳам ўтказиб турардик. Шундай олди-бердиларнинг бирида катта миқдордаги суммага тушиб қолдим. Буни эримдан бекитиш учун бошқа танишларимдан қарз олдим. Қарз кетидан қарз бўлавергач, ахири тўлолмаганим учун қарз берганлар эримга шикоят қилишди. Зўрға маошини рўзғорга етказиб турган эрим бундан жаҳли чиқиб мени қишлоққа олиб бориб ташлади ва одамларнинг қарзини ишлаб узди. Қишлоққа борганимда қайнонам мени уйига киритмади. Шунда болаларимни ҳовлисига ташлаб ўзим онамникига кетиб қолдим. Эрим шаҳарда, болалар қайнонамда, мен онамникида яшадик. Шу ҳолатда бир ярим йил ўтди. Икки яшар қизимни ҳам, тўрт яшар ўғлимни ҳам бир марта кўрмадим. Бу орада эримни уйланаётгани ҳақида гаплар чиқди. Аввалига ишонмадим. Кейин қайнонам дугонасинингг турмушга чиқмаган қизини олиб бергани қишлокда дув-дув гап бўлди. Кичикроқ тўй ҳам қилишди. Улар шаҳарда яшашар, менинг болаларим эса қишлокда қайнонам билан эди. Бу воқеадан кейин аччиқ устида эрим билан қонуний ажрашдим-да, ҳали унга яшашни кўрсатиб қўяман, деб Тошкентга бордим. У ерда мардикор бозорга чиқиб ишлаб юрдим. Шундай кунларнинг бирида бир бадавлат оиланинг хизматини қилиш учун борганимда у хонадондаги аёл менинг тақдирим билан қизиқиб қолди. Мен унга бошимдан ўтганларни гапириб бердим. Аёлнинг раҳми келдими, мени уйига доимий хизматкор қилиб олди. Ҳаётим анчагина яхшиланиб қолди. Бир куни болаларимни кўргим келганини айтиб қолгандим у мен билан бориб қайнонамдан фарзандларимни олиб келиб берди ва биз учун ҳовлисининг бир бурчагидан жой ажратди. Яшашимиз жуда яхши эди. Аммо бу жойда ҳам қадримни ўзим кет-каздим. Бир куни уйларни тозалаётганимда уй бекасининг калитларига кўзим тушди. Бу калит қаерники эканлигини яхши билганим учун олиб бекитиб қўйдим-да, эртаси куни уй эгалари йўғида унинг тақинчоқлари турадиган жойни шу калит билан очдим. У ерда тақинчоқлардан ташқари анчагина доллар ҳам бор эди. Деярли барчасини олдиму болаларим билан у ҳовлидан кетиб қолдим. Бошқа бир жойга бориб ижарада тура бошладим. Қўлга киритган маблағим мени жуда кучли қилиб қўйди. Ўзимча катта бир тижоратни бошлаб, уй оламан, дея режа қилдим. Ишларим жонлангандек бўлди. Бир эркак билан бирга иш қиладиган бўлдик. У менга мол олиб келиб берар, мен эса сотардим. Очиғи у билан ишқий муносабатда ҳам бўлдим. Аммо у менинг ишончимга киргунча кўнгилхушлик қилган экан. Сўнгги бор барча пулларимни олиб молга кетганча қайтиб келмади. Ижара ҳақини тўлолмаганим учун эгаси бизни чиқариб юборди. Икки болам билан кўчада қолдим. Егуликка бир сўм пулимиз қолмади. Суриштириб бир ошхонага фаррош бўлиб ишга кирдим. Болаларимни ҳам пул топсин деб бозорда, автобусларда тиланчилик қилишга мажбурладим. Одамларнинг юрагини эритадиган "Отам бизни ташлаб кетган, онам оғир бетоб", деган гапларни ўргатдим. Уларнинг бу ҳолати қишлоққа, қайнонамга етиб борибди, бир куни келиб мени қарғаб болаларимни олиб кетиб қолди. Мен ҳам бундан хурсанд бўлдим. Чунки болалар яшашимга халақит бераётганди. Ишчилар билан муросамиз келишмади, у ердагилар билан бақир-чақир қилаверганимдан кейин бошлиғимиз мен бошқа иш топишимни айтди. Шу гапни эшитган куним пайт пойлаб кассадаги пулни ўмариб чиқиб кетаётганимда қўлга тушиб қолдим. Жаҳл устида ишчилар мени милицияга топширишди. Улар мени сўроқ қилаётганларида тақинчоқларини ўғирлаб кетганимда арз қилган аёлни ҳам чақиришди. Хуллас мен озодликдан маҳрум қилиндим. Яхшиямки бир ярим йилда амнистияга тушиб чиқиб келдим. Сўнг онамникида яшай бошладим. Туман хотин-қизлар қўмитасининг ҳаракати билан ишга жойлашдим. Энди ўйласам қайнонамга, қайнэгачиларим, эримга кўрсатиб қўяман, деб ўзимни бадном қилибман. Балки ўшанда эримнинг топганига қаноат қилиб, унинг туғишганларига сал пастроқ келганимда барчаси яхши бўлармиди?.. Энг муҳими фарзандларим билан бирга бўлардим.

- Энди қилмишларингиздан афсусдасиз, фарзандларингизни қайта бағрингизга олсангиз бўлади-ку.

- Уларни қайтариб олишимга ҳеч ким тўсқинлик қилаётгани йўқ. Аммо... Бугун мактабга борганимда дугоналарининг: "Онанг келаяпти", деган гапига жавобан қизимнинг: "Эшикни ёпинглар, унақа онам йўқ", деганини эшитдим-у ёнига яқинлашолмай ортимга қайтдим. Ўғлим эса мени узоқдан кўриб қочиб кетди. Бундан англадимки улар мени оналик ҳуқуқимдан маҳрум қилишибди. Мен ўша пайтларда ўз қилиқларим уларнинг кўзида қолиб кетишини ҳеч ҳам ўйламаган эдим. Балки уларнинг бувиси билан яшагани ҳам яхшидир, мен уларнинг келажагини ярата олмасман. Афсус ва надоматлар, фарзанд соғинчи мени адо қилмоқда. Нима қилишни ҳам билмайман...

Сўнги гапларини йиғи аралаш айтганни учун нима деганини англолмай қолдим ва аёл билан алоқамиз узилди. Бир оғиз таскин сўз ҳам айтолмадим.

Моҳирага балки сиз бирор фикр билдирарсиз азиз газетхон...

Матлуба ШУКУРОВА

Кўнғироқларингиз...

ҚУВОНЧБЕКНИ ҚАҚШАТГАН МАКР

Рўпарамда келишган, хушмуомала, ғайратли йигит мунғайиб ўтирибди. Ичи ёниб бораяпти. Сабри қолмаяпти. Ўзини осойишта қиладиган маслаҳатга муҳтож...

- Қувончбек! Сабрли бўлинг. Кўп куйинманг. Келажагингиз олдинда. Қани бир бошдан гапиринг-чи... Нима бўлди, ўзи?!

- Биринчи қайлиғим билан қирқ беш кунгина яшадим. Хиёнат қилди. Кечиролмадим. Ажрашдим...

Иккинчи бор Ойсулувга ишқим тушди. Отам ҳам, онам ҳам норози бўлишди. Қизнинг отаси билан отам дўст эдилар. Отамнинг дўсти хотинининг хиёнатидан огоҳ бўлиб, чиқиб кетган экан. Отам: "Ўғлим, бу оила билан қудалашмайлик. Худо кўрсатмасин, палагига тортиб қолса, куясан", - деб қайтармоқчи бўлдилар. Гапларига кирсам бўлар экан. Қизга берган ваъдам - лафзимдан қайтмаслик учун қайсарлик қилибман... "Отажон, қиз менга ёқади. Унда айб йўқ-ку! Одамлар устимдан кулсаям майли, мен уни севаман", - дедим. Ичларидан қанчалик норози бўлсаларда, раъйимга қарашди.

Отажоним тўйни катта қилдилар. ЗАГС куни мен оппоқ машинада айланишни таклиф қилгандим, Ойсулув: "Коп-қора ялтираган "Лимузин" олиб келасиз",-деб шарт қўйди. Нега қора? Талаб қилган машинасида айландик. Сабрли, тоқатли, ҳалолликни ёқтирадиган йигитман. Тўйгача, тўй оқшоми, никоҳгача ҳам у билан қовушмаганман. Никоҳ гувоҳномасини олдик. Расман эр-хотин бўлдик. Шаърий никоҳ ҳам ўқилди. Бизга қанча хайрли тилаклар айтилди. Висол суҳбати учун куннинг тез ўтишини пойлаб турсам, Ойсулув битта тугунча билан онасиникига жўнаворса бўладими?! Унинг бу ҳаракатига бир нима деёлмай, лол бўлиб қолгандим. На бир савол бердим, на қўлидан ушлаб, йўлидан қайтардим... Бахт қушим, деганим учиб келди-ю, учиб кетди. Изидан борсам, онаси: "Бу ерда қорангни кўрсатма!" - деди. Нега? Айбим нима? Отамнинг, онамнинг қаршилигига қарамай, уни севганимми? Уни бахтли қиламан, деб лафзимдан қайтмаганимми? Унинг ҳамма шартлари, талабларини бажарганман. У нега сабабсиз кетиб қолади?

- Ўзи билан қайта учрашмадингизми?

- Учрашдим. Гаплашишниям истамади. Ўзим уяли телефон олиб бериб қўйгандим. Боғлансам, ҳақорат қилиб ташлайди.

- Никоҳгача тиббий текширувлардан ўтганмидларингиз? Ойсулувингиз руҳан соғломмиди?

- Қаранг, соддаман-да, икки марта уйланиб ҳам тиббий кўрикдан ўтмаганмиз. Унинг соғ ё носоғлигини ҳам билмайман.

- Севганингизнинг пок ё нопоклигини ҳам билмайсиз. Ўзига ишончи бўлса, нега қочиб кетади? Эл кўзига тўй кўриб, эрга тегди, деган, асосий мақсадига эришгач, устингиздан мағзава ағдариб, жуфтакни ростлаб қолган бўлса-чи?

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Нима қилишни билмай, сизга маслаҳатга келдим-да. Худди сиз айтганга ўхшаяптида. Мағзаваям гапми? Дўстлар, танишлар юзимга қараб: "Эркакмисан ўзи", дейишгача боришди. Ота-онам олдида бошимни кўтара олмайман. Чунки қайсарлик қилиб, хатога йўл қўйдим. Қани энди изига қайтариб бўлса... Афсуски, иложи йўқ. Осмонга учиб кетай десам, қанотим, ерга кириб кетай десам иложим йўқ...

- Қувончбек! Ўзингизни қўлга олинг. Бахтингиз олдинда. Сабр қилинг...

Ажабмас, "Оила ва жамият" мухлислари сизникига ўхшаш воқеалар ечимидан хабардор бўлсалар. Сизга ўз маслаҳатларини ёзишар. Зора сиз бошингиздан кечирган воқеа ота-оналарга, қайсарлик қилувчи ёшларга сабоқ бўлса...

КЎККЎРҒОНИЙ

ЯНГАЛИК УНВОНИ НАСИБ ЭТСИН!

“Дугонамни янга қилгандим”, 44-сон, 2006 йил

ЭСЛАТМА: Онамнинг сиқилишида ўзимни айбдор ҳис қиламан. Чунки янгамнинг қилиқлари туфайли онам акамнинг уйига қадам босмай қўйди. Ўша янгамни келин қилишга мен сабабчи бўлганман. Чунки Зулфия менинг курсдош дугонам эди.

Муаллиф: М. ШУКУРОВА

Сингил—акага тиловчи бўларкан. Яъни аканинг хурсандчилигидан олам-олам қувонса, хафалигидан ундан-да кўп азият чекаркан, ичи ачиркан... Янгангиз ўқиган экану, лекин уқмаган қиз экан. Исми Зулфия бўлса ҳам унда ушбу исмнинг чиройидан, нафосатидан асар ҳам йўқ экан. Сирти ялтироқ ҳар нарса ҳам тилло бўлавермаганидек, “усти ялтироқ - ичи қалтироқ” инсонлар ҳам ҳаётда учраб туради.

Янгангиз нафақат янгалик бурчини оёқости қилибди, балки сизнинг дўстлигингизни ҳам суиистеъмол қилибди. Халқимизнинг ажойиб нақли бор: “Чеча (яъни келинойи) қоронғу кеча”...

Ўша йили биз синглим билан Асаканинг Кужган қишлоғига - холамникига боргандик. Тош ётқизилган озода катта кўча. Бир томонда катта анҳор оқарди. Ариқ четига ўтқизилган теракларнинг барглари шабадада тебраниб, қўшиқ айтгандек бўларди. Мажнунтоллар шохлари сув юзидан тўйиб-тўйиб бўса олар, сув юзида қалқиб оқиб келаётган қизил олмаларни яшириб қўяр, биз чўмилаётиб уларни топиб олардик. Ариқнинг иккинчи томонида одамларнинг томорқаси бўлиб, кимдир девор, кимдир шохшаббалар билан кўчадан тўсиб қўйган, кичкина эшик қурган, кўприк ҳам қилинганди.

Э-ҳа, Оллоҳимни назари тушган қишлоқми, бу қишлоғ-а! Қайси ҳовлига кирманг, узум ғарқ пишган. Гилос, олча, хусайни, қора чарос, боғдаги олмалар-чи, анжир сап-сариқ пишган, нақ пиёладек келади-я. Анор ҳали пишмаса-да, ҳосили кўплигидан ўзини ердан кўтара олмайди, поччам унга тиргагич тираб қўйибдилар. Беҳи эса ҳосилини кўз-кўз қилибми, девор оша кўчага мўралаб, шохларини кўтариб олибди. Биз синглим билан холамнинг юмушларига қарашардик. Боласига қарардик. Бу йил 3 ойни ҳам шу ерда ўтказамиз, шекилли. Холам, поччам эрталаб туриб, кетмонни елкага ташлаб далага кетишарди. Холам бечора касалманд эди, эрталаб туриб, сигирни соғар, сут пишириб, қатиқ уриб, бизга нонушта тайёрларди. Бу ердан ҳечам кетгимиз келмасди. Агар пахталар эртароқ очилса, укаларим билан бориб, пахта ҳам териб келардик.

Бир куни эрталаб турсам, холам билан поччам овозларини баландроқ қилиб гапираётганларини эшитиб қолдим. Поччам: "Ун тугаган экан, шуни олдинроқ айтиб қўйсанг бўлмасмиди?! Иш-иш, деб сендан сўрамабман. Одамлар 3-4 қопдан олиб босиб қўйишибди. Узумлар пишган, улгуржи оладиган одамлар ҳам келмаяпти. Сотсак, қўлимиз пул кўргандек бўлармиди. Ҳа, майли, сабзини қазинглар, жиянларингга айт, ювиб, бозорга олиб бориб сотишсин-да, 5-6 буханка нон олиб келишсин", - деди. Холам: "Вой, ўлай, дадаси! Неча пуллик одам бўламиз-а?! Булар ҳали ёш-ку... Олди-сотдини билишадими? Яна бозор узоқ бўлса... Опамга нима дейман-а. Яна сабзилар ҳали етилмаган-ку". Поччам: "Хотин, сен ҳам қуйқамни қўзғатма, бу ерда нон сотадиган дўконнинг ўзи йўқ. Устига-устак бригадир бир соатга ҳам жавоб бермаса. Майли, қазиб берай сабзини, болаларни бирорта бозорга кетаётганларга қўшиб юбор". Холам: "Вой, бечора, жиянларимни сабзи сотишга жўнатаманми, а?" - дея роса йиғлади.



Мен ҳеч нарсага тушунмасдим. Ўзимча дадам келиб олиб кетсалар, деб йиғлаб ҳам олдим. Холам иккита кичикроқ тугунга ювилган сабзиларни тугди. Биттасини бошимга, биттасини қўлимга тутқиздилар, синглим йиғлаб менга эргашди. Уни ҳам етаклаб олдим. Холам кўчага чиқиб, бир бозорга кетаётган хотинга тайинлади. Менга эса сабзини сотиб, 5-6 буханка нон олиб келишимни уқтирди.

"Асака бозори қайдасан", деб йўлга тушдик. Дам олиб, дам олиб, манзилга етиб ҳам келдик. Бозор дарвозасидан кираверишда одам гавжум. Энди кирай деганда: "Қани, чипта олинглар, иккита тугун экан, бир сўм беринглар", - деб қолди бир барзангидан келган 25-30 ёшлар чамаси киши. Мен нима қиларимни билмай, ичкарига интилдим. "Ҳай-ҳай, қайт, дедим, қайт", - деганча бизни судрагандек қилиб ҳалиги чиптачи ташқарига олиб чиқди. Синглим қўрққан шекилли, хўнграб йиғлаб юборди. Мен билмабман, у чиптачи экан. "Ҳа, тоғажон, жон тоғажон, бозорга киргизинг, сабзини сотайлик, кейин чипта пулини бериб кетамиз", - дедим йиғламсираб. "Йўқ, олдин чиптани тўлаб, кейин кирасизлар. Қани, бошимни айлантирма. Қоч, бошқаларнинг йўлини тўсма", - деди у киши.

Одамларнинг униси у деди, буниси бу деди, хуллас, чиптачи уларга қулоқ солмади. "Жон тоғажон, синглим чарчаб кетди, киргизинг!" - дедим. "Э, қоч-е! Сенлар билан ади-бади айтишишга вақтим борми?! Отананг келса бўлмасмиди?!" - деди барзанги. "Э, ука! Қани, бу ёққа келинг-чи? Нима гап ўзи? Бу болаларни нега бозорга киргизмаяпсиз?" Овоз келган тарафга ўгирилдим.

Вой, одам шундай ҳам озода кийинадими?! Чиройли, бошида янги чуст дўппи, юзларидан нур ёғилиб турган киши чиптачини қўлтиқлаб олганди. Чиптачи: "Кўрмайсизми, амаки! Ёш болалар сабзи сотгани келишибди. Чек учун бир сўм бер десам, сабзи сотсак, берамиз, дейишаяпти».

Амаки: "Ҳа, жуда яхши! Шугина сабзига бир сўм чекми? Ўтказиб юборинг, сотишса, бир сўм бериб кетишади", -деди. Чекчи: "Э, амаки! Қанақа одамсиз, ўзи? Нега бировларнинг ишига аралашасиз? Менда ҳам "план" бор, начальникларга нима дейман?" -дея ўдағайлади. Амаки: "Шу болаларни чек пули билан планингиз юз фоиз бўлармиди, болам?! Ўтказворинг!" -дея у ўнг чўнтагини кавлаб, 1 сўм чиқарди-да, чекчига берди. "Мана, олинг-да, болаларни ўтказиб юборинг! Қани она қизларим, юринглар, бозорга кирамиз", - деб бир қўлига тугунни олиб, бир қўли билан синглимни етаклади. "Вой, амакижон! Нега биз учун бир сўм бердингиз? Мен қачон сабзини сотаману, сизни қаердан топиб, қарзимни бериб кетаман. Ахир қарзимни беришим керак-ку", - дея йиғламсирадим.

Амаки бизни савдо расталари томон олиб бордилар. Ҳамма жой банд, расталарда жой йўқ. "Қизим, - дедилар амаки. - Мен ҳам шу ерда, мана шу амакиларингиз билан савдо қиламан. Сабзини сотиб, 1 сўм бериб кетасиз, бермасангиз ҳам майли". "Йўқ, бериб кетамиз! Исмингизни айтинг, жон амаки", - дедим мен. "Вой, болам", - деб қулиб исмларини айтдилар. Лекин мен ҳозир эслай олмайман. Амаки биз билан хайрлашиб кетдилар. Биз ерда ўтириб, савдо қилаяпмиз. Биз олиб келган сабзи бозорнинг энг паст сабзиси эканлиги кўриниб турарди. Шу боис ҳам сотишга анча қийналдик. Барака топкур, бир аёл келиб, рўзғорга майдаси ҳам бўлаверади, деб 1 сўмлик олиб кетди. Бир оздан сўнг яна бир киши келиб, 1 сўмлик олиб кетди. Яна 60-70 тийинлик сотдик.

Қарасам, бозорда одам камайиб бораётгандек эди. Ёнимдаги киши нарсаларини йиғиштирди. Мен ҳам қолган сабзиларни тугунга тугдим, синглимни бир жойга ўтқизиб қўйиб расталарни айланиб, амакини ахтардим. Бироқ у кишини ҳеч қаердан тополмагач, сотувчи амакилардан сўрадим. Аммо улар орасида ундай исмли сотувчи йўқлигини, ҳатто улгуржи полиз экинлари олиб келаётган савдогарлар орасида ҳам йўқлигини айтишди.

Амакини тополмагач, дўконга бордим. Озроқ навбатга тургач, 10-15 буханка нон олибман. Тугунга тугиб, бошимга қўйдим. Шунча нон олсам ҳам қўлимда 1 сўм ортиб қолди. Яна танга ҳам қолди. Тангасини автобусга бериб кетдик. Бечора холам бизни кучоқлаб, йиғлаб юборди. Ойимга айтмаслигимизни тайинлади. Холамга бўлган воқеани айтиб бердим. Холам: "Эссиз, бировнинг ҳақи. Поччанг тажанглик қилмай, ўзи бориб келса бўларди. Эссиз, эссиз..." - деди. Мен эса: "Ҳа, холажон, йиғламанг, бу сафар бўлмаса, янаги сафар топиб, бериб келармиз", - дедим. Холам амакини дуо қилди. "Ҳа, соддагина болажоним-а", деб қўйдилар. Дадам келдилар, дастурхон устида яна ун ҳақида гап кетди. Улар шаҳарда ҳам ун тортилиб қолганини, кеча навбатда туриб нон олганини айтди. Биз дадам билан бирга кетдик. Келгуси таътилда бувижонимникида бўлдик.

Орадан 2 йил ўтди. Мен 8 синфни битириб медицина билим юрти талабаси бўлдим. Талабалик йилим стипендиямни олиб, яна Асакага бордим. Бозор айландим. Яна амакижонни изладим, аммо ҳеч қаердан тополмадим. Яна савдогарлардан суриштирдим. Бир кексароқ сотувчи не мақсадда сўраётганимни билгиси келди. Мен бўлган воқеани гапириб бердим. "Билмадим, болам, бу воқеага билишимча, 3-4 йил бўлганга ўхшайди. Мен эса неча йилдирки, шу ерда олди-сотди қиламан. Бундай исмни эшитмаганман. Э, қизим сиз ҳам у кишини дуо қилинг", - дедилар ва юзларига табассум югурди. "Вой тоғажон, ўзим дуога муҳтож банда бўлсам, у кишини қандай дуо қиламан", - дедим.

Кунлар ўтган сари юрагимда бир дард бору, у борган сари посот отгандай бўларди. Виждон азобида қийналардим. Нима учун манзилларини сўраб олмадим, деб ўзимни ўзим койирдим. Бу қарз - қиёмат қарз эмасмикан, деган ўй мени тинч қўймасди. Ҳар кимнинг ҳам гуноҳи ўзига яраша-дир. Менинг ҳам гуноҳларим ҳаддан зиёддир, аммо бу зиммамдаги қарз-чи? Қиёмат куни мезонли кунда Оллоҳимнинг олдида юзим қаро бўлурми?! Ёшим улғайган сари бу ўйлар мени адои тамом қиларди.

Ҳозир ёшим анчага борган бўлса ҳам Андижонга йўлим тушса, дарров Асака бозорига ўтаман. Расталарни айланаман, олдинги расталар йўқ... Э-ҳа, ҳозир Асакага бир боринг-а, шаҳарни ҳам, бозорини ҳам танимайсиз. Ҳаммаёқ гулларга бурканган. Бозорлари янги услубда қурилган. Расталар тўла мева-чева, сабзавотлар. Олдинги сотувчилар ҳам йўқ энди. Мен уларга термуламану, аммо амакижонимни сиймосини излайман, тополмайман. Балким бир сотувчи амаки: "У кишини дуо қилинг", деб тўғри айтгандир. Мен ёшлик қилгандирман. Ота-оналаримиз ҳам кўп яхши гапларни қулоғимизга қуйишган. Амакижондан ҳам, ота-оналаримдан ҳам, бизни кенг бағрига олиб мевалари билан сийлаган, таом берган поччамдан, холамдан ҳам Яратган Эгам рози бўлсин. Ҳар доимо улар учун дуодаман.

Президентимизнинг саъйи-ҳаракатлари билан биз қарияларнинг ҳурмат-иззати алоҳида эътиборга олинганким, масжитлар очилди, намоз ўқишга кенг йўл очилди. Зиёратгоҳлар тўлиқ таъмирланди. Қанчаданқанча диний адабиётлар ўзимизда чоп этилаяпти. Ёшларимизга-чи, ҳамма илм эшиклари очиқ, хоҳласа чет элда ўқиш, иш...

Биз ҳам юртбошимизнинг бизга қилган саҳоватига жавобан аҳил, тинч, иноқ яшаб, юртимизни асрайлик. Қўлимизда давлатимиз бўлса, ночорларга берайлик, йўқ бўлса қаноат билан яшайлик. Саҳоватпеша инсонлар кўпаяверсин. Осуда, тинч, юртлар маликаси, гўзалларнинг гўзали Ўзбекистонда меҳмондўст, тинчликсевар, ширинсухан инсонлар билан яшаётганимдан фахрланаман. Ўзбекистонимизга кўз тегмасин.

Бувижон РАҲИМОВА,
Қарши шаҳри.

ДАВОЛОВЧИ ЖОНИВОРЛАР

Хонадонингизда ит ва мушук каби жониворларингиз борми? Бўлса, уларнинг кўзига ҳеч тикилиб қараганмисиз? Кўзларидаги садоқат ва меҳрни сезганмисиз? Улар тилсиз жониворлар бўлишса-да, кўзлари орқали эгаларига ўз садоқатларини сездиришга ҳаракат қиладилар. Афсуски, кўп хонадонларда итлар ҳовлининг энг ташландиқ жойларига боғлаб қўйилади. Ваҳоланки, улар бундай муносабатга лойиқ эмаслар.

Айтишларича, Пайғамбаримиз жониворларни, айниқса мушукларни яхши кўрар эканлар. Бир куни у киши намоз ўқиш учун турaётганида тўнларининг этагида мушук ухлаб ётганини кўрибдилар. Шундан сўнг аста тўнларининг этагини кесиб, мушукка ҳалал бермасдан туриб кетган эканлар. Бундан кўриниб турибдики, биз инсонлар Оллоҳ яратган бу жонзотларга эътибор беришимиз, меҳримизни аямаслигимиз керак экан. Шундагина улар ҳам бизга ўз ноёб хислатларини намоён қилишар экан!

МУШУК–СИРЛИ ЖОНЗОТ

Швейцариялик зоолог олимларнинг таъкидлашича уйида мушуги бўлган кексалар шифокорларга камроқ мурожаат қилишаркан.

Мушук ҳеч қачон ўзи истамаган нарсани қилмайди. Шунинг учун уни оғриқ аъзога мажбурлаб қўйиб бўлмайди. Мушукнинг ўзи инсонни қачон даволаш лозим, деб ҳисобласа шундагина ишга киришади.

★ Мушук оёқ бўғинлари оғриғидан азият чекаётган одамнинг оғриқ бўғинлари устига ғужанак бўлиб ётиб оладилар. Елка бўғинлари оғриганларнинг елкасига ётиб, уларни тирноқлари билан сезиларли қилиб тирнаб уқалайди. Мушукнинг бу ҳаракати туфайли оғриётган жойга қон қуйилиши таъминланиб, хасталик чекинади.

★ Кўпинча мушук ҳали унча оғримаётган, лекин кейинчалик муаммо (туз тўпланиши, шамоллаш жараёни ва ҳ.к.) пайдо бўлиши мумкин бўлган аъзонинг устига чиқиб ётади. Мушукнинг диққатини тортган ўша аъзоингизга сал эътиборлироқ бўлинг.

★ Айни дамда юрагингиз безовта қилаяпти-ю, аммо мушук кўкрагингизнинг чап томонига қараб интилаяпти. Бу юз бериши мумкин бўлган дарддан дарак. Демак сиз юрагингизни чарчатмаслигингиз, дам олишига кўмаклашишингиз лозим. Сиз стенокардия, инсульт, ишемия каби юрак хасталикларини бошдан кечирган бўлсангиз вақтни ўтказмай, шифокор ҳузурига бориб, маслаҳатлашишингиз керак экан.

★ Сиз чалқанча ётганингизда мушугингиз келиб ошқозонингиз устига ётиб ола бошласа, демак овқат ҳазм қилиш тизимингизда муаммо бор. Ошқозонингиз оғримаётган, ичаклар фаолияти безовта қилмаётган бўлсада, мушукнинг бу қилиғи баъзан овқатни ҳаддан ташқари кўп еяётганингизга ҳам ишорадир. Агар сиз дудланган ва ёғлиқ таомларни кўп тановвул қилаётган бўлсангиз, унда пархез қилишга харакат қилинг.

★ Қорнингизни ерга тираб чалқанча ётганингизда мушук устингизга чиқиб буйрак томонга тиқилиб олса, албатта буйрагингизни текширтиринг. Чунки 35-40 ёшга борган ҳар бир одамнинг буйрагида қум тўпланади. Гарчи буйракдаги қум безовта қилмаса-да, лекин каттароқ тошга айлангач оғриқ қаттиқ хуруж қилиши мумкин. Мушук эса бу ҳақда сизга огоҳлантирувчи сигнал юбораётган бўлади. Шу боис УЗИ ёрдамида ўзингизни текширтиришга киришинг.

★ Мушук эркак киши белининг пастки қисмига чиқиб олса, бу - простата безлари хасталигидан дарак беради. Бу ҳолатда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

★ Юрак хасталигига чалинган беморларга мушук айни малҳамдир. Асабийлашиш натижасида қон босими ошганда бир неча минут мушукни силасангиз қон босимингиз меъёрига келади. Мабодо ҳаддан ташқари шўр нарса ейиш ёки спиртли ичимликлар ичиш натижасида қон босими ошган бўлса, мушук қон босими миқдорини 15-20 даражага тушириш қувватига эга.

★ Баъзан мушуклар эркаланиб, диққатингизни ўзига қаратмоқчи бўлади. Мушук оёғингизга суйкала бошлайди ёки сизга тиқилиб олиш учун ўтирган жойингизга ҳам сакраб чиқади. Уни силаб сийпалашингизни хоҳлайди. Бундай пайтда уни ҳайдаб юборишга шошилманг. У сиздаги ҳар қандай асабийлик ва асаб зўриқишини тинчлантириш пайида бўлади.

★ Баъзан хонадонда оила аъзоларидан бирортаси ноҳақ хафа қилинса, мушук айнан ўша азият чеккан, айни дамда кўмакка, далдага муҳтож бўлган одамнинг ёнига боради.

★ Мушук беморларга аниқ ташхис қўйишдан ташқари жуда яхши психолог ҳам. Агар мушукнинг ёнида бир неча киши баҳслаша бошлашса у баҳслашаётганлардан қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ эканлигини ҳам аниқ ажрата олади.

★ Саломатликлари унча яхши бўлмаган кишилар мушук боққанлари маъқул. Бу жонивор унчалик кўп эътибор талаб қилмайди. Лекин ҳеч кимга маълум бўлмаган сабабларга кўра ўзининг шифокорлик хусусиятига эга. Улар инсон танасидаги оғриқли жойни бехато аниқлаш ва даволашдек ноёб хусусиятга эгадирлар.

★ Яна бир қайғу-андуҳли гап. Мушук кекса ва касалманд одамларнинг оёқ томонида ётиб юрган бўлсаю, энди яқинлашгиси ҳам келмай қўйса хушёр бўлиш лозим. Яъни, беморни ёлғиз қолдирманг, ёнида бўлишга ҳаракат қилинг. Чунки умр соатлари тугашига оз қолган беморлар ёнига мушуклар зинҳор яқин келишмайди.

Мушук чиндан ҳам жуда сирли жонивордир. Баъзан уни илоҳий жонзот деб ҳам ҳисоблашади. Мушук билан боғлиқ сирларни ҳалигача ҳеч ким охиригача аниқлай олмаган.

ИТЛАР

Ота-онасига: "Менга кучукча олиб беринг!", - дея хархаша қилмайдиган болалар кам топилса керак. Уларнинг баъзилари алдаганга кўнадилар, лекин айримлари эса кучук олиб бермагунларича хархашани давом эттиравердилар.

Бироқ яхшилаб танлаб олинган кучуклар оиладаги муҳитни яхшилаб, турли сурункали касалликлардан азият чекаётган беморларга ёрдам ҳам берадилар.

Юрак, асаб хасталикларидан қийналадиган кишилар учун унча катта бўлмаган кучук асраш фойдалидир. Кучук билан кунига уч-тўрт марта сайр қилиш, уларнинг беғубор ўйноқлашлари, эркаланишларини кузатиш, мулоқотга киришиш юрак, асаб хасталикларининг олдини оладиган энг яхши муолажа ҳисобланади.

БАЛИҚЛАР

Аквариумдаги турли рангдаги балиқлар ҳаққоний руҳшунос шифокорларга ўхшашади. Сув ости жониворлари кишининг толиққан асабларини тинчлантиради, бўшаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, кундалик ташвишларни унутиб, нохуш хаёллардан чалғишга ёрдам беради. Умуман олганда иш кунидан кейинги зўриқишларни йўқотиш учун ҳар куни ярим соат аквариум олдида дам олиб ўтириш фойдалидир.

ҚУШЛАР

Қушлар инсонларга ҳамиша яхши кайфият бағишлаши маълум ҳақиқат. Қушлар сайроғи инсонга хуш кайфият бахш этиб, қон босимини пасайтиришга таъсир этади. Тадқиқотчи олимлар мактаб ўқувчиларига, айниқса битирувчиларга кўпроқ қушларнинг сайрашини тинглашни тавсия этадилар. Бу уларнинг дарс тайёрлаш туфайли чарчаган асабларидаги зўриқишни енгишга ёрдам беради.

ЕР ОСТИ ЖОНИВОРЛАРИ

Тритончалар ва тошбақалар турли асаб касалликлари ва тутқаноқни даволайди. Нима учун ва қандай қилиб даволайди? Бунинг сабабини шу пайтгача ҳеч ким билмасада, кўпчилик бу ғаройиб жониворларнинг "беминнат хизмати" дан фойдаланишади.

ОГОҲЛАНТИРАДИ, ДАВОЛАЙДИ

Синглим уй ҳайвонларидан мушук ва ит боқишни жуда яхши кўради. Бир нечта мушуги ва итлари бор. Бир куни уйига борсам пайпоқ тўқиб ўтирибди. Елкасига эса мушуги осилиб олиб ухлаб ётибди. У мушукни уйғотиб юбормаслик учун эҳтиётлик билан тўқишни давом эттирарди.

Мен буни кўриб қаттиқ кулиб юборгандим, мушук ўрнидан туриб кетди. Кейин менинг ёнимга келди-да, тиззамга чиқиб ўтирди. Сўнг тирноқларини оёғимга ботириб уқалай бошлади. У беш дақиқа шундай қилгач, туриб кетди. Бирпасдан сўнг ўрнимдан туриб юрсам кўпдан буён азоб бераётган тиззамдаги оғриқ йўқ. Яна бир куни синглимникига борганимда қайнонаси кўчадан бошини ушлаб кириб келди. Сўнг:

- Мош қани, уни топиб келинглар! Қон босимим ошибди, - деди. Мушукни олиб келишгач у ўзича гапириб, эркалаб мушукнинг елкаларини силай бошлади. Ярим соатдан сўнг унинг бош оғриғи тўхтаб, хуш кайфият билан чой ича бошлади.

Эри мушукни унча ёқтирмас, ёнига келса тепиб, ҳайдаб юбораверарди. Лекин шундай қилса ҳам мушук нуқул унинг атрофида миёвлаб юраркан. Эри ухлаб ётса мушук унинг белига чиқиб олар, тирноқларини ботириб уқалар экан. Кейинчалик унинг умуртқа поғонаси чурра касаллиги билан оғригани маълум бўлди.

С. МУҲАМЕДОВА, Тошкент шаҳри

БОШИМ ОҒРИРДИ...

Қон босимим бор. Шу боис менга бош оғриғим мунтазам азоб беради. Айниқса тунлари оғриқдан ухлай олмай қийналиб чиқар эдим. Бир куни одатдаги бош оғриғи хуруж қилди. Оғриққа чидай олмай йиғлаб ётарканман Бароқ лақабли мушугим миёвлаганча келиб ёстиғимга чиқди. Уни ҳайдаб юборишга ҳам мажолим йўқ бўлгани учун индамадим. Мушугим эса бошимга худди шапкадек жойлашиб олди. Ундан таралаётган иссиқдан бошим терлаб кетгач, ҳайдаб туширмоқчи бўлдим. Лекин у қимир этмай, ҳатто янада яхшироқ жойлашиб ётиб олди.

Кейин ухлаб қолибман. Эрталаб турсам мушугим пастда, гиламда ётарди. Бош оғриғим эса тўхтаганди. У кейинчалик ҳар куни келиб бошимда ухлайдиган бўлди. Орадан икки ҳафта ўтгач бошдаги оғриқ мутлақо тўхтади.

Б.ҚОДИРОВА, Бўка шаҳри.

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.



Юрак қанчалик бақувват бўлса, инсон шунча соғлом бўлади. Шу боисдан юракни ҳар доим эҳтиётлаб, касалланишига йўл қўймаслигимиз лозим. Бунинг ўн икки муҳим усули мавжуд. Ўзининг саломатлигини ўйлаган ҳар бир инсон ана шу амаллардан хабардор бўлгани маъқул.

ЮРАКНИ ЭҲТИЁТЛАШНИНГ 12 УСУЛИ

1 УСУЛ: энг аввало овқатланишни тартибга солинг. Парҳез таомлар ҳар қачон юракка малҳам бўла олади. Сабзавотларни, айниқса ошқовоқ, шолғом, турп, бодринг, помидор каби маҳсулотларни ҳар куни истеъмол қилиб боринг. Помидор шарбатидан бир стакан ичсангиз, юрак хуружидан сақланасиз.

Узум ва олма шарбати, малина қиёми ҳам юракка малҳамдори бўла олади. Чарос узум шарбати юракни инфарктдан сақлашда бебаҳодир. Агар чарос узум бўлмаса, анор шарбати ҳам яхши фойда қилади. Бундай шарбатлар майда қон томирларидаги тиқинларни йўқотиб, мияга яхшироқ кислород етиб боришини ҳам таъминлайди. Иложи бўлса ширин анор шарбатини, нордон анор шарбатига аралаштириб ичинг.

2 УСУЛ: эрталабда бир стакан иссиқ сут ва ётиш олдидан бир пиёла қатиқ ичишни йўлга қўйинг. Умуман сут, қатиқ, пишлоқ маҳсулотлари юрак уришини меъёрлаштириб, унинг тўқималарини тўйинтиради. Агар бир ой давомида мана шу усулга амал қилсангиз, юракдан бошланган қон томирларини майинлаштириб, қон айланишини яхшилаб оласиз. Сут-қатиқ маҳсулотлари юрак сиқилишидан асрайди ва унинг олдини олади, қон айланиши меъёрлашган сайин, асаб тизимидаги зўриқишлар ҳам пасая бораси. Айниқса қатиқ, пишлоқнинг нафи беқиёсдир. Пишлоқ танани ҳам, юракни ҳам тозалаб қувватлантиради.

Тибетликлар дунёда пишлоқни энг кўп истеъмол қилувчи халқ саналади. Шу боисдан улар қарийб юрак хасталикларига чалинмайдилар. Юз ёшда ҳам юракни бақувват сақлаб, бардам бўладилар.

3 УСУЛ: кунига беш дона ёнғоқ ва ерёнғоқ мағзини истеъмол қилиб боринг. Ёнғоқ мағзида ноёб оқсиллар мавжуддир. Айниқса ёнғоқни турли-туман салатларга қўшиб ейиш қувватни оширади. Агар кунига уч бор яшанг сабзавотдан тайёрланган салатга ёнғоқ мағзини қўшиб истеъмол қилсангиз, юрак уриши меъёрлашиб, вужудингиз ором олади. Тадқиқотларга қараганда, ёнғоқ мағзи умрни узайтириш хусусиятига эга. Чунки у қонни холестеридан тозалаб, юракка енгиллик беради.

Шу боисдан ёнғоқ танани ёшартириб, уларнинг ҳаётий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Меъда ва ичакларни касаллик қўзғовчи хилтлардан тозалайди. Толиққан вужуд толалари тўйиниб, юрак хуружининг ва инфарктнинг олди олинади. Аслида йил давомида ёнғоқ мағзини еб борган маъқул.

4 УСУЛ: балиқ маҳсулотлари ва дуккакли ўсимликлар юракни қувватлантирувчи малҳамлардир. Балиқ мойи танага жуда осон ҳазм бўлади. Бундан вужуд ҳам, мия-асаб тўқималари ҳам ором олади. Шу боисдан балиқнинг шўрвасини, яйдоқ отга миниб, яйловларни ёки дарё бўйларини кезса, юрак сиқилишини осонроқ ёзиш мумкин бўларкан.

Ишлаётганда ёки бекор қолганда ашула хиргойи қилишга одатланинг. Бу сизда яхши кайфият уйғотади ва юракдаги миядаги зўриқишларни пасайтириб, вужудга ором бағишлайди. Ашулани бақириб айтиш шарт эмас. Димоғингизда хиргойи қилиб, кўнгилни хушлаб юрсангиз, кифоя.

Мақсадсиз одам, мақсадли одамга қараганда тезроқ юрак хасталикларига чалинаркан. Шу жумладан тунд одамлар ҳам ўзларининг юрагига кўпроқ жабр қиларкан. Шундай бўлгач, ўзингизни шодлантириш учун феълни кенг сақланг. Ҳар қандай нохушликдан сақланинг.

7 УСУЛ: ўрик ва малина шарбати юрак қон томир касалликларини чекинтирувчи малҳамдир. Ўрик шарбати юрак уришини меъёрлаштириб, унинг қувватини оширади. Бундай шарбат инфаркт ҳолатларини 15 баробарга чекинтиради ва юрак тўқималарини тўйинтириб, мустаҳкамлайди.

Малина шарбати ҳам қон томирларини мустаҳкамлаб, уларнинг бардошлилигини оширади. Бу ажойиб мева таркибидаги минераллар қоннинг ивишини меъёрлаштиради ва уни тозалаб, сифатини оширади. Қоннинг сифати ошса, юрак зўриқмай ишлайди. Ўрик ва малина шарбатидан кунора ичиб турадиган кишилар анча-мунча асаббузарликларни осонроқ ўтказиб юборадилар. Ҳеч бўлмаганда ҳар куни икки дона ўрик қоқисини шошмасдан сўриб енг. Ўзингизни қийнаётган муаммолар ҳақида ҳадеб ўйлайверманг. Ширин хаёллар суриб, ўзингизни овунтиринг.

8 УСУЛ: албатта пиёда юринг. Ҳар куни камида 10 километр йўлни пиёда босиб ўтишга вақт топинг. Пиёда юриш юрак ишемик касалликларини йўқотади ва мияга кислороднинг яхшироқ етиб бориши туфайли ўпка, жигар фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар юзага келади.

Иложи бўлса, шовқинсиз, сокин йўллардан одимланг. Агар ялангоёқ юриш имконияти бўлса, ана шундай қилинг. Сой қирғоғидаги тошлоқ жойда сувни кечиб, пиёда юриш юракдаги сиқилишни ёки оғриқни йўқотади. Бундай пайтда хиргойи қилиб одимласангиз ҳам бўлади.

Майсалар устидан ялангоёқ юриш ҳам юракдаги ва унинг атрофидаги салбий қувватни тортиб олади. Бунда майда-чуйда кўнгилсизликларга парво қилмайдиган бўласиз. Асабингиз мустаҳкамланиб, юрагингиз салга ҳовлиқиб кетмайди. Бундай сайрлардан сўнг, албатта уйга қайтгач, қаймоқчой ичинг ва оёқни яхшилаб ванна қилинг.

9 УСУЛ: албатта ибодатга мойилланинг. Чуқур ибодат юракни тинчлантириб, бутун вужудга енгиллик, фикрий равшанлик ва таскин беради. Сизни билиб-билмай, қўл урадиган гуноҳ ишлардан асрайди. Яъни сиз кўнгил хотиржамлигини фақат ибодатдан топасиз.

Ибодатга мойил инсонлар жаҳл отига минмайдилар. Ҳар қандай ҳолатда ўзларини тутиб, фикрий мувозанатни сақлай қоладилар. Чунки ибодат барчасини мустаҳкамлайди, юракни кўпгина силсилалардан асраб, оройиш иньом этади.

Ибодатга мойил кишиларда ўзини-ўзи овутиш қудрати пайдо бўлади. Чунки Тангри юракни шафқат, хотиржамлик ва меҳр-оқибат нури билан ёритиб, борки ғурбатларни ҳайдайди. Тангридан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайсиз. Юзингизга нур югуриб, вужудингизда қон айланиши ва моддалар алмашинуви яхшиланиб бораси. Бировнинг ҳақидан қўрққан инсоннинг юраги безовта бўлмайди ва оғриқ билмайди.

10 УСУЛ: руҳий зўриқиш юрак хасталикларини келтириб чиқарувчи энг хавфли иллатдир. Асаббузарликлардан юракни асраш йўллари албатта жисмоний меҳнат ва вужудни зарарли хилтлардан тозалашдир. Жисмоний меҳнат одамни терлатади ва юракни чиниқтириб, пишиқтиради. Зўр ҳафсала билан тер тўкиб ишлаган одам қон томирларидаги тиқинларни бемалол очиб юборади. Тер билан бирга жуда кўп зарарли тузлар ҳам чиқиб кетади. Ошқозонда овқат ҳазм бўлиши яхшиланиб, ҳамма қилган тўқималари яхши озиқланиб-шифоланади. Шу боисдан яхши меҳнат қилган инсонларда юрак хасталиклари камдан-кам кузатилади. Бир марта терлаб ишлаган одамда юрак инфарктига чалиниш ҳолати 15 баробарга камаяди. Ҳафтада икки кун очиқ ҳавода жисмоний меҳнат билан машғул бўлинг.

11 УСУЛ: баданни тоза сақлаган одам, фикрни ҳам равшан сақлайди. Ҳар ҳафтада бир марта ҳаммомга тушиш саломатликнинг муҳим шартидир. Бунингсиз баданда моддалар алмашинуви меъёрида кечмайди. Чунки кирлашган баданда касаллик келтириб чиқарувчи унсурлар йиғилиб, баданни заифлаштиради. Бундан биринчи навбатда юрак фаолиятига путур етказилади. Ҳаммомда ювинаётиб, хивичлар билан баданни енгил савалаш майда қон томирларини ҳаракатга келтириб, юракка енгиллик бера бошлайди. Баданда йиғилиб қолган тузлар ҳам қон томирларини заифлаштириб, фаолиятини сусайтириб юборади. Бундай ҳолатда юрак анчагина зўриқиб ишлашга мажбур бўлади. Ҳаммомда баданни уқалашнинг фойдаси ҳам каттадир. Ҳаммом кайфиятни хушлантиради. Юракка келаётган зўриқишларни камайтириб, ишчанликни оширади ва инфарктга имкон бермайди.

12 УСУЛ: ҳар қандай ҳолатда қоринни тўйдириб овқатланманг. Ортиқча овқат юракка зўриқиш беради. Ўта аччиқ ва нордон таомлардан ҳам сақланинг.

Қайнатилган гуруч, шолғом, турп, сабзи ва лавлаги юрак хасталикларига шифо бўлувчи энг яхши таомдир. Нонни ва ўта ёғли овқатларни иложи борича камроқ истеъмол қилинг. Дидингизга маъқул бўлмаган овқатни егандан кўра оч юрганингиз маъқулроқдир.

К.НИШОНОВ тайёрлади.

166 **Ёшим 68 да.** Аёлим вафот этган. Фарзандларимдан қутулганман. Зиёли, нафақахўр, фан докториман. Алоҳида яшайман. Қўлимдан табиблик ҳам келади. 60 ёшгача бўлган, фарзандлари бўлса ҳам майли, ораста, одобли, тошкентлик, (ўзининг ҳам уй-жойи бўлган) аёл билан оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Тўлқин ота

167 27 ёшли. Уйланмаган. Асли Навоий вилоятидан бўлган, евроремонт билан шуғулланадиган, меҳнаткаш йигит 25-30 ёшгача бўлган, уй-жойли, (бир боласи бўлса ҳам майли) оилани муқаддас билиб, унга файз кирита оладиган аёлга уйланмоқчи.

Манзили таҳририятда.

Умарали

168 **65 ёшдаман.** Аёлим вафот этган. Фарзандларим уй-жойли. Қурувчи-муҳандис бўлиб ишлаб, ҳозир пенсиядаман, тошкентдаги алоҳида ҳовлимда яшайман. 50-55 ёшлардаги, фарзандларидан қутулган, сариштa, оққўнгил аёл билан танишиб турмуш қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Мақсуджон

169 **Ёшим 25 да.** Асли Бухороликман. Тошкентда икки хонали ўз уйим бор. Моддий таъминланганман. Касбли, ичмайдиган, меҳнаткаш, диёнатли, мард ва оилани эъзозлайдиган 27-28 ёшгача бўлган эркак билан танишиб, турмуш қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Шахина

170 **Ёшим 40 да.** Хоразмликман. Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Ҳозир Тошкентда яшайман. 45-55 ёшли, ишлайдиган, уй-жойли, зарарли одатлардан ҳоли бўлган эркак билан танишмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Зулфия

171 **Ёшим 56 да.** Тошкент вилоятиданман. Аёлим билан ажрашганман. Фирма раҳбари бўлиб ишлайман, оиламни моддий таъминлай оламан. Уйим-жойим дейдиган, имонли эркакман, ақлли-хушли, уйрўзғор ишларини жойига қўядиган, 50 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган аёлга уйланмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Содиқ

172 **64 ёшдаман.** Тошкентликман. Аёлим вафот этган. Ўғлим ва келинларим билан яшайман. Ҳунармандман. 40-50 ёшлардаги, бефарзанд ёки фарзандларидан қутулган аёл билан оила қуриб яшамоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Абдуқаюм

173 **Ёшим 30да.** Тошкент туманиданман. Чеварлик қиламан. 35 ёшгача бўлган, уй-жойли, касбли, оилани моддий таъминлай оладиган эркак билан танишмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Фозила

БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50

УМР-СИНОВ...

174 Эрталаб анча барвақтроқ келиб калитни олаётсам, қоровулнинг ёнида бир эркак мени кутиб турган экан.

- Сизни кутаётгандим, ҳали вақтли, лекин кунинг иссиғига қолиб кетмай дегандим-да. Қон босимим бор,-дея изоҳ берди отахон.

Отахонни тўртинчи қаватдаги хонамизга бошладим.

- Мендек ёши ўтган кишиларнинг таҳририятга келиши уятдиров!- дея гап бошлади отахон. - Лекин на чора! Ҳаёт, ундаги сиру синоатлар мана-ман деган инсонни ҳам ўз маромига солиб оларкан! Мен ҳам бир пайтлар, ерга рўмолчам тушса пул бериб олдирадиган одам эдим. Ҳалиям нолимайману, лекин кўчадагиларга ўтган гапинг уйдагиларга тўғри келмаса киши эсанкираб қолар экан.

Уч ўғил, бир қизим бор эди. Аёлим вафот этганида 40 ёшда эдим. Болаларим ҳали ёш эди. Ўгай она уларнинг кўнглини оғритишидан чўчиб, бошқа уйланмадим. Бир умр қурилиш моллари сотиладиган бозорда ўтирдим. Яхшигина пул топардим. Аёлим ўтгач, аламимни ишдан олдим. Пул устига пул топиб, қаторасига учта иморат солдим. Уч ўғлимга асқотар, дедим. Ҳаммасини ўқитиб, олий маълумотли қилдим. Онаси борлардан-да аъло сарпосини қилиб, қиз узатдим, ўғилларимни бирин-кетин уйлантирдим. Кексайганимда ҳар бирининг уйида меҳмон бўлиб, набираларимни кўриб, қувониб юришни истардим. Аммо ўғилларим бошқа нарсани исташаётган экан. Уч ўғлим менга ҳовлиларни сотиб, пулини учовига тақсимлаб беришимни талаб қилишди. Менга бир хонали уй олиб беришармиш...

Кўнглим жуда оғриди. Уйга келиб икки кун туз тотмадим. Ахир , шуларни деб, навқирон йигит умримни бахшида қилган бўлсам... Болаларим эса менинг кўнглимни қонатишганини ўйламадилар ҳам. Жаҳлим чиқиб:

- Шу ҳовлиларнинг бирида тураман. Бир-бир хабар олиб турарсизлар, ташлаб қўймассизлар , - дедим хунобим чиқиб.

- Бўлмайди-да, тушунсангиз-чи? Биз ҳам, келинларингиз ҳам ишдан чарчаб келамиз, яна чиқиб сиздан ҳам хабар олишга вақтимиз бор эканми? - дейишди.

- Сиз нима қарорга келдингиз?

- Мен энди 62 ёшга кирдим. Уйланмоқчиман. Ҳовлиларни сотмайман. Биттасида эса ўзим уйланган аёлим билан яшайман. Хафа бўлдим. Ахир ёмон тарбия бермагандим-ку, нимада хато қилдимки, ўғлим бунча бемеҳр бўлиб ўсишди? Билмайман. Лекин шу қарорга келдим. Энди умидим сизлардан...

Отахон манзилини, қўл телефонини бергач, хайрлашиб чиқиб кетди.

* * *

Телефон жиринглаб қолди. Олдим. Бир аёл экан.

- Газетангизда Қорақалпоғистонлик бир аёлнинг эълони чиқибди. Шунинг телефон рақами ёки манзилимни берсангиз...- деди у буйруқомуз.

- Манзил олиш учун таҳририятимизга паспортингиз нусхасини олиб келишингиз керак-да, - дедим.

Аёл эса гапимни охиригача эшитмасдан жаҳл билан гўшакни қўйиб қўйди. Бироздан сўнг яна телефон жиринглади. Олсам яна ўша аёл. Мен яна ҳалиги гапларимни қайтардим. Унинг яна жаҳли чиқди.

- Ҳой, бу қанақаси, нега энди менга манзил бермас экансиз? Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ. Кимлигимни билишингиз шарт эмас, нима, сиз прокурормисиз ҳужжат йиғадиган? Бошлиғингизга устингиздан арз қиламан, - деди. Мен бош муҳарририримизнинг телефон рақамини аёлга бериб, арз қилиши мумкинлигини айтдим.

Одатга кўра, манзил сўраётганларнинг ёки эълон берадиган инсонларнинг паспорти нусхаси бизда сақланиши керак. Бу эса ҳар икки томоннинг хавфсизлигини таъминлайди. Ахир ҳаётда нималар бўлмайди,-дейсиз?..

* * *

175 - Мумкинми?- хонамга бир онахон кириб келди.

- Келинг, қулоғим сизда, - дедим онахонни ўтиришга таклиф қиларканман.

Ёшим 61 да. Шу ёшимда ёлғизман, болам! Жуда қийналиб кетдим, уят қилмайсиз-да, дилимдагини бир тўкиб солай, иложи бўлса ёрдам беринг, - кўзига ёш олди у. - Бир пайтлар юрганимда товонимдан ўт чақнарди. Ишлайверибман. Бир ўғил, бир қизим бор. Ўғлимни анча йил аввал уйлантирдим. Тошкентни юз айланиб яхшигина бир қизга уйлантирдим. Ундан қутулгач, ўтган йили қизимни чиқардим. Биласиз, тўй қилишнинг ўзи бўлмайди. Бир амаллаб елкамдаги юклардан ҳоли бўлдим.

Энди нафас ростлай деганимда қизимнинг қайниси уйланадиган бўлди. Қайнонаси эри иккисини ижарага чиқариб юборибди. Қизим туғса қийналиб қолади, деб уйимга таклиф қилдим. Куёв кўнмади. Кейин тўрт хонали уйимни сотиб, шуларга икки хонали уй олиб бердим. Бундан ўғлимнинг жаҳли чиқди. У ҳам келиб уйнинг қолган пулини олиб кетди.

Бир-икки кун қизим билан тургандим, эрининг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Шундан сўнг бир қариндошимникига бордим. Шу ёшда, уй-жойсиз қолдим. Ўғлим билан турай десам... Улар уйини хорижликларга ижарага беришиб, ўзлари ётоқхонага жойлашиб олишибди.

Тақдир экан, эримнинг вафотидан сўнг болаларимни ўйлаб турмушга чиқмагандим. Охир-оқибатда шундай аҳволга тушишимни билганимда-ку... Эҳтимол менга тенгдош ёки ёши каттароқ бўлса ҳам бир инсон бўлса-ю, оила қурсам.

Минг истиҳола билан мақсадини айтган онахон ҳужжатини узатди. Мен аёлга яқинда отаси учун аёл излаб келган қизнинг манзилини бердим. Онахон миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

* * *

176 Кўп ўтмай йўлақдан овозлар эшитилиб қўлида гўдаги бор бир аёл хонага кирди.

- Келинг, синглим! - дея аёлга илтифот қилиб, қўлидан боласини олдим. У ухлаб ётган гўдагини яна бағрига олди, секингина гап бошлади.

- Отам йўқ, онам мени ёлғиз вояга етказиб, ҳеч кимдан кам қилмай узатди. Эримнинг ҳам биргина онаси бўлиб учовимиз яшаётгандик. Кейин мен ўқишимни давом эттирмоқчи бўлдим. Қайнонам эса бу ишимни ёқтирмади. Мен ҳам ўз айтганимда туриб олдим. Кейин у мени уйимизга ҳайдаб юборди. Эрим эса индамасди. Қариндошлар йиғилишиб мени қайнонам уйига олиб боришди. Ҳатто уларни ҳам уйга киритишмади. Шундан сўнг онамникида яшаб, шу ўғлимни туғдим. Ҳозир бир ёшдан ошди. Эрим эса ажрашишига ариза ёзган экан, охири ажрашдик. У судга боласидан кечганлиги ҳақида ариза ёзиб берибди... Лекин она уйига ҳам сиғишим қийинга ўхшайди. Чунки онам инжиқ, салга қон босими ошиб чарсиллаб кетадиган бўлиб қолган.

Шу боис турмушга чиқишга қарор қилдим. Қани энди ўғлимга ота бўла оладиган уй-жойли, диёнатли бир эркак бўлса...

Аёл уйғониб гуврана бошлаган ўғилчасининг бармоқчаларини ўпаркан, кўзларидан ёш қуйилди.

Унга ўн йил яшаб фарзанд кўрмаганлиги боис ажрашишган, фарзандли аёлга уйланишни орзу қилаётган бир эркакнинг манзилини бердим.

Умр синов. У инсон бошига кутилмаган савдоларни солади? Бошингизга синов тушса, тушкунликка тушманг, азизлар! Бахтга интилинг, инсон интилса бахтга албатта етишади. Биз эса сизга бу борада кўмак беришга ҳамиша тайёрмиз!

БАСИРА

Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди- 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13502
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **С. ФАХРИДДИНОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5